

Бухоро вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг XV конференцияси бўлиб ўтди.

Кенгашганга кенг дунё

Конференция кун тартибига кўра давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ташкил этиш, кенгаш ҳамда назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш

тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакили Норжон Бозорова ўз аризасига кўра вазифасидан озод этилди. Чўян Ҳамидов

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг раиси этиб сайланди. **Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири**

Касаба уюшмалари хусусий шифохоналарда

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Давлат бюджети ҳисобидан таъминланган шифохоналар билан бир қаторда, хусусий шифохоналар ҳам намунали хизмат кўрсатмоқда. Бундай муассасалардаги ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни касаба уюшмаларига жалб этиш юзасидан қатор хайрли ишлар амалга ошириляпти.

Аъзолар сафи кенгаймоқда

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши мутахассислари томонидан режа асосида туман, шаҳар тиббиёт муассасаларида хусусий тадбиркор-шифокорлар билан меҳнат муҳофазаси, ижтимоий, ҳуқуқий масалалар юзасидан ўқув-семинарлари, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига белгиланган меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш, иш ва дам олиш вақти, меҳнат интизоми, масалаларига алоҳида эътибор берилляпти.

Касаба уюшма ходимларининг савий-ҳаракати билан вилоятдаги «Муҳаммад ал-Ализода», «Тўйгун» хусусий шифохоналари, «Абдужалил Сиддиқ бобо» диагностика маркази, «Дилдора-Дилобар» хусусий даволаш диагностика марказида касаба уюшма кўмиталари тузилди. Бу йил ҳам бир гуруҳ ходимларни сўхатгоҳларда соғломлаштириш, уларнинг фарзандларини оромгоҳларда дам олдириш режалаштирилган.

Ориф СОДИҚОВ, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши ҳуқуқшуноси

Фаргона вилоят енгил, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари ҳамда вилоят савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаларининг бирлашиш конференцияси бўлиб ўтди.

Такомиллашув сари

— Шубҳа йўқки, ҳар иккала тармоқнинг бирлашуви фаолиятимизни такомиллаштиради. Шу маънода бугунги конференцияни муҳим воқеалар сирасига киритиш мумкин, — деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси А.Юнусов.

Конференцияда Марғилон «ТЕХУГЕН» МЧЖ директор ўринбосари Авазхон Мўминов, «Қува текстил» МЧЖ бош йўриқчиси, касабақўм раиси Дилфузахон Ғофурова ва бошқалар сўзга чиқиб, касаба уюшмаларининг жиғиллашуви бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг кучайишига хизмат қилишини таъкидлашди.

— Бош келишувнинг қабул қилиниши, нодавлат нотижорат ташкилотларини касаба уюшма аъзоллигига олиш, маданий ва спорт тадбирларини кучайтириш каби вазифалар янада зўр бериб ишлашни тақозо этади. Ягона ва кучли касаба уюшма ташкилотининг пайдо бўлиши эса ишимизнинг жаддаллашувини таъминлайди, — дейди Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Файрат Зуннунов.

Конференцияда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Фаргона вилоят кенгаши раиси этиб Муқаддас Абдуллаева сайланди.

Сурайё АГЛАЕВА, Фаргона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими мутахассиси

Янгича фаолият

Қашқадарь вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг XII конференцияси бўлиб ўтди.

Унда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарь вилоят кенгаши ташкил этилиб, кенгаш ҳамда назорат-тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

Вакиллик кенгашига айлантирилган, фаолият қамрови кенгайиб, ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини янада теранроқ ифода этадиган, ҳимоялайдиган ташкилотга асос солинди. Вилоят кенгашига бир овоздан Исмат Очилов раис этиб сайланди.

Ўз мухбиримиз



Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманида фаолият кўрсатаётган «Varjomiy - Qorasuv» масъулияти чекланган жамияти мустақиллик йилларида ташкил этилган бўлиб, айни пайтда корхонада йиғирма турга яқин яхна ичимликлар ишлаб чиқаришмоқда.

Суратда: Тайлоқ туманида фаолият кўрсатаётган «Varjomiy - Qorasuv» масъулияти чекланган жамияти ишчилари (чапдан) Сайёра Остонова ва Камола Раҳимова.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат

(Давоми. Боши 1-бетда) Корхонада тез-тез «Хавфсизлик — давр талаби!» шиори остида семинарлар ўтказиб турилади. Айни пайтда, аниқроғи, 1 февралдан 1 октябрга қадар иш шароитлари яратиш, техника, газ, фаввора, электр, ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кўрик-танлов давом этмоқда. Меҳнатни муҳофазаси қилиш ва саноат хавфсизлиги бўйича иш режаси тузилган бўлиб,



«Муборакнефтьгаз»: ибратли тадбирлар

қисман фойдаланиш таққиланадиган ноқулай меҳнат шароитларидаги ишлар рўйхати амал қилинмоқда. 18 ёшга тўлмаган шахслар ва вояга етмаганлар

меҳнатидан фойдаланиш ҳолати йўқ. Шунингдек, корхонада ногиронлар меҳнатга жалб этилмайди. 2008 йилда 48 та, 2009 йилда 61 та, 2010 йилнинг саккиз ойида 49 та вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари қайд этилган бўлиб, энг муҳими, ишлаб чиқаришда жароҳатланишлар кузатилмаган.

Маъмурий, ишлаб чиқариш бинолари, комплекс, кон ва бўлимлар санитария маиший хоналари ёнғин бошқармаси томонидан режалаштирилган. Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, вилоят «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ҳамда табиатни муҳофазаси қилиш инспекциялари томонидан текширувлар ўтгани ҳам фақат ходимлар ва корхона манфаатларига хизмат қилмоқда.

Корхона энергетика тармоқларига сифатли хизмат кўрсатиш учун етарли даражада олий ва ўрта махсус энергетик мутахассислар билан таъминланган, уларнинг мунтазам равишда малакасини ошириб бориш тадбирлари йўлга қўйилганлиги ҳам эътиборга лойиқ.

Корхонада автотранспорт цехининг ташкил этилиши ишчи-хизматчиларга яратилган қўлайлик маъсулдир. Мавжуд автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш учун етарли қарор қилинган. Хайдовчилар рейсга чиқиш олдида тиббий кўрикдан ўтишади. Улар 30 соатлик

дастур бўйича Қарши шаҳридаги ўқув ишлаб чиқариш марказида ўқитилган. Айни пайтда корхонада касаначиликни ривожлантириш, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш бўйича ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 80 нафар тикувчи, икки нафар гилам тикувчи, бир нафардан тикув машиналарини таъмирлаш бўйича чилангар, қурилиш материални тайёрловчи ҳамда пахта титувчи меҳнат қилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилда янги иш ўринларини яратиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, бу тайёрланаётган маҳсулот турларини кўпайтириш имконини беради. Бу ерда қўлқоп, кўрпа-ёстиқ жилдлари, чойшаблар, дераза ва эшик пардалари, махсус иш кийимлари, гилам, кигиз каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

Корхона жамоаси юртимизни боғу роғларга буржаш бўйича олиб борилаётган ишларда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Шаҳрисабз туманида 50 гектар ер ажратилган бўлиб, 40 гектарда боғ, 10 гектарда узумзор ташкил этилган. Муборак туманида эса 79,2 гектар ерда полив ва мева-сабзавот етиштириш йўлга қўйилди. Уртан 2010 йилда корхона 17 гектар ерда зирғаччилик ишларини йўлга қўйиб, ишчи-хизматчиларга мева-сабзавот етказиб берди. Барча мажмуа, кон ва бўлимларда, ишчилар шаҳарчасида иссиқхоналар ташкил этилган бўлиб, помидор, бодиринг, хар хил қўқатлар ходимлар дастурхонини безамоқда.

Жанубий Урта булоқ кони ишчилар шаҳарчасида иссиқхонада гул етиштириш, лимонарий ташкил қилинган. Барча конларда чорвачилик хўжалиги йўлга қўйилган...

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Фалокат оёқ остида

Боёвут пахта тазалаш корхонасида кетма-кет икки марта бахтсиз ҳодиса юз берди. Корхона нурчиси Жавлон Қаюмов эҳтиётсизлиги туфайли иш жойида йиқилди ва чап билак суяги ва ўнг тиззасидан қаттиқ жароҳатланди. Шу боисдан у узоқ муддат шифохонада даволанишга мажбур бўлди. Бахтсиз ҳодиса ҳақидаги овозлар ҳали босилмай, яна бир кўнгилсизлик рўй берди. 1-ишлаб чиқариш бригадасининг дастгоҳ тазаловчиси Шўхрат Жўраев иш жараёнида меҳнат хавфсизлиги қоидаларига етарли риоя этмагани сабаб унинг ўнг оёғи қоқиқли барабан ичига қириб қолди. Натияжада кичик болдир суяги қўнда-ланг синиб, меҳнат қилиш қобилиятини вақтинчалик йўқотди.

Афсуски, бундай нохуш манзаралар туманининг бошқарувида ҳам учрамоқда. Боёвут машина-трактор паркиннинг галла ўриш комбайни оператори ёрдамчиси Мурод Зойидов техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этмай, оғир тан жароҳати олди. Унинг оёғига техниканинг оғир гилзаси тегиб, тиззадан паст томонидаги

суяқларини синдириб юборди. Туманлараро «Қишлоқхўжалиқим» филиалининг «1-Боёвут» СФУ марказида жойлашган минерал ўғитлар тарқатиш шохобчаси ишчиси Назар Холмуродов эса йўл-транспорт ҳодисаси туфайли ҳаётдан бевақф кўз юмди.

Хўш, ушбу бахтсиз ҳодисалар рўй бермаслиги мумкинми? Албатта, мумкин

эди. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, иш берувчи меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича амалдаги қонун-қоидаларга тўлиқ риоя этилишини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги бўйича ҳар бир ишчи-хизматчини ўқитишни йўлга қўйиши, уларнинг билимини синовдан ўтказиши шарт. Ҳолбуки, ҳануз ишлаб чиқариш

201 нафар фарзандига контракт тўловлари учун 301 млн. сўм ўтказиб берилди.

Кўп жойларда касаба уюшма стипендияларини жорий этмоқда. Масалан, Ангрен кимё саноати ва Қирғай энергетика касб-ҳунар коллежларида тахсил олаётган кам таъминланган оилаларнинг 20 нафар фарзандига устама стипендиялар жорий этилган.

— **Айтинг-чи, вилоят вакиллиги**

қўшимча тўловлар тўғрисида»ги бандлар киритилган. «Ўзбекимёш заводи», «Максам-Чирчиқ», «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятларида қабул қилинаётган жамоа шартномаларида иш ҳақи тўловлари муддатли кечиктирилганлиги учун иш берувчиларнинг моддий жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

Бироқ шу савий-ҳаракатларимизга қарамай, айрим корхоналарда иш ҳақидан қарздорлик мавжуд. Бирги-

қўшимча тўловлар тўғрисида»ги бандлар киритилган. «Ўзбекимёш заводи», «Максам-Чирчиқ», «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятларида қабул қилинаётган жамоа шартномаларида иш ҳақи тўловлари муддатли кечиктирилганлиги учун иш берувчиларнинг моддий жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

Бироқ шу савий-ҳаракатларимизга қарамай, айрим корхоналарда иш ҳақидан қарздорлик мавжуд. Бирги-

қўшимча тўловлар тўғрисида»ги бандлар киритилган. «Ўзбекимёш заводи», «Максам-Чирчиқ», «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятларида қабул қилинаётган жамоа шартномаларида иш ҳақи тўловлари муддатли кечиктирилганлиги учун иш берувчиларнинг моддий жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

Бироқ шу савий-ҳаракатларимизга қарамай, айрим корхоналарда иш ҳақидан қарздорлик мавжуд. Бирги-

қўшимча тўловлар тўғрисида»ги бандлар киритилган. «Ўзбекимёш заводи», «Максам-Чирчиқ», «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятларида қабул қилинаётган жамоа шартномаларида иш ҳақи тўловлари муддатли кечиктирилганлиги учун иш берувчиларнинг моддий жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

Бироқ шу савий-ҳаракатларимизга қарамай, айрим корхоналарда иш ҳақидан қарздорлик мавжуд. Бирги-

Суҳбат

«Тўйга тўёна билан» деган нақлга амал қилиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. У касаба уюшма ташкилотлари фаолиятига ҳам бевосита боғлиқ. Мухбиримиз мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдида Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгашининг раиси Мавжуда Халилова билан меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш борасида амалга ошириляётган ишлар тўғрисида суҳбатлашди.

Давр билан ҳамқадам

— Мустақиллик ҳар биримиздан ташаббус кўрсатиб, давр билан ҳамнафасликда ишлашни тақозо этмоқда, — дейди Мавжуда Халилова. — Шундан келиб чиққан ҳолда, ташкилотимиз фаолиятининг мазмун-моҳиятига бир қанча ўзгаришлар киритилди. Айни вақтда ҳар бир аъзо манфаатини ҳимоялаш йўлидан бориб, ушбу хайрли ишни амалга ошириш учун иш берувчилар билан ижтимоий шериклик тамойили асосида муносабатда бўлиш ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган меъёр ва талабларни жамоа шартномалари орқали ҳаётга татбиқ этишга оғишмай амал қилмоқдамиз. Вилоят кенгаши тасарруфидидаги 46 та корхонада жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, улар орқали 46 минг 305 нафар аъзонинг манфаатлари қамраб олинган. Кези келганда шунини айтиш зарурки, йил моҳиятидан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномаларига қўшимчалар киритиб бормоқдамиз. Деярли барча жамоа шартномаларига кичик бизнес

наларига алоқадор кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун ўқув қуролилари ҳамда дарсликлар билан ёрдам кўрсатиш мақсадида 340 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфладик. 375 та кам таъминланган ёш оилага 31 млн. 271 миң сўмлик моддий ёрдам кўрсатдик. Уй-жой қурилиши ва узоқ муддатли фойдаланиладиган жиҳозлар учун 27 та ёш оилага 43 млн. 160 миң сўм маблағ ажратдик. Аёлларга бериладиган туғишга ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар куни узайтирилмоқда. Яна бир мисол. Айни вақтда олий таълим тизимидаги айрим ёшлар шартнома асосида билим олишяпти. Лекин уларни тўлаш имконияти ҳаммада ҳам бирдек мавжуд эмас. Шу боисдан кам таъминланган оилаларнинг

ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижтимоий-адолатли тизимини жорий этиш, иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишига эришиш борасида қандай чора-тадбирлар қўлланылти? — Вилоят кенгашиимиз бу борада жойлардаги бошланғич ташкилотлар етакчиларига услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатишни асосий мақсад қилиб қўйишган. Лекин айрим касаба уюшма кўмиталари раисларининг ҳам салоҳиятига тан бермасликнинг иложи йўқ. Масалан, «Янги Ангрен ИЭС», «Ўзбекгеофизика» ва «Аммофос-Максам» очик акциядорлик жамиятларида тузилган жамоа шартномаларига «Меҳнатга ҳақ тўлаш, унинг шакли, тизими, деярли мукофотлари, нафақалар, компенсациялар,

лаш, ишловчиларни санитария-маиший хона, махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий химоя воситалари билан таъминлашга қаратилган. Техника хавфсизлиги юзасидан ўқувлар ташкил этиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касаликларни келиб чиқиши олдини олиш масалалари ҳам доимий диққат-эътиборимизда.

Ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Бунинг учун ҳар бир касаба уюшма ташкилоти давр билан ҳамқадамликда фаолият кўрсатиши, замон олдимизга қўяётган вазифага ижодий ёндашиб, атрофидиганларни уни ҳал этиш учун сафарбар эта олиши лозим. Шундай фаолиятгина ташкилотимизга обрў келтиради.

Суҳбатдош: Нёъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири



Қорақалпоғистонлик 220 нафар бола дам олаётган Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тасарруфидаги «Гулбахор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида эрта тонгдан тайёргарлик авжидида. Болалар гуруҳ раҳбарлари иштирокида саҳнани гуллар билан безашга киришишган. Гулқоғоздан фонус, кабутар, турна кўринишидаги ўйинчоқлар ясаётган ўғил-қизлар эътиборимизни тортди.

Соз ўтмоқда

Оролбўйи минтақасида истиқомат қилувчи болажонларнинг ёзги таътили Тошкент вилоят оромгоҳларида мароқли ўтказиш аъёнаси бир неча йилдан буён давом этиб келмоқда. Бу йил ҳам касаба уюшмалари кўмаги билан хоразмлик 1500 нафар бола шундай имкониятга эга бўлди. Шу кунларда уларнинг турт юздан зиёди мароқли дам олмақда.

Бир ярим минг болажон

оромгоҳларда ўз саломатликларини мустаҳкамлайди

— Ушбу тадбирдан кўзлаган мақсадимиз болажонларнинг бундай вақтларини мазмунли ташкил қилиш, саломатликларини муҳофаза этиш билан бир қаторда дунёқарашини кенгайтириш, она заминга, Ватанга меҳрларини оширишдир, — дейди Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Раҳимберган Матрасуллов. — Сўлим масканда кенгашига ўн икки кун улар хохирасидан бир умр жой олиб, янги орзулар томон бошлашга шубҳа йўқ.

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан бу йил ёзги дам олиш мавсумида ватанпарварлик мавсумидаги тадбирларнинг кўлаб уюштирилиши белгиланган. Хусусан, эл сўйган шоир ва ёзувчилар, иқтидорли спортчилар, меҳнат фахрийлари билан бўладиган ҳар бир учрашув эзгу мақсад ва ғояларни мужассам этиб, болажонлар қалбига рангин туйғуларнинг куртак ёзишда хизмат қилади.

Муҳаббат Тўрабоева, «Ishonch» мухбири

— Бугун оромгоҳимизда «Мустақиллик — менинг тақдиримда» тадбири ўтказилди, — деди Хўжакелиди туманидаги 7-мактаб ўқувчиси Нодира Абдураимова. — Севимли шоирларимиз, санъат арбоблари, биз билан тенгқур ёш спортчилар таклиф қилинган. Меҳмонларни кутиб олишга ҳозирлик кўрапмиз. Ҳар бир гуруҳ саҳна кўриниши, ракс ва кўшиқлар тайёрлади. Шейриятга жуда қизиқаман. Мушоирада истиқлол тўғрисидаги машқларимдан ўқиб бермоқчиман.

Бу йилги мавсумга оромгоҳ ходимлари пухта тайёргарлик кўришди. Ётоқхоналар деворларига ранг-баранг расмлар чиздирилиб, ёрқин ранглар билан бўялди. Маънавият хонаси кўшимча китоблар, компютер билан таъминланди. Ошхонага янги идишлар, ётоқхоналарга тўшаш учун 200 метр юмшоқ гиламлар сотиб олинди.

— Оромгоҳимизда 6 та павилон, 240 ўринли ошхона мавжуд, — дейди оромгоҳ бошлиғи Мунаввар Мансурова. — Болаларга беш маҳал овқат тайёрланяпти. Улар волейбол ва футбол майдонлари ҳамда 4 та теннис столида, шахмат, шашка тўғрақларида машғулотлар билан банд. Кичик ёшдаги болалар учун эса турли эртақ қахрамонлари ҳайкалчалари, аргумчоқлар ўрнатилган болалар майдончаси мавжуд. 30 метрилик сув ҳавзамиз доимо гавжум.

Ниҳоят меҳмонлар етиб келишди. Тадбирни очган шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг маънавий-маърифий ва спорт ишлари бўлими муdiri Шаҳодат Тўлаганова мамлакатимизда ёшларга яратилаётган шароит,

санъаткорлар, спортчиларимиз эришаётган ютуқлар ҳақида гапириб, болаларни тинмай билим олишга ундади.

Шундан сўнг болаларнинг сеvimли шоири Турсунбой Адашев, қорақалпоқ шоири Музаффар Аҳмедов мушоирани бошлади. Мушоирада қорақалпоқ ва ўзбек тилларида энг кўп шеър билган ва уларни ифодали ўқиб берган болаларга шоирларнинг китоблар тўплами, шунингдек, Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб қорақалпоқ тилида нашр этилган болаларга мўлжалланган «Қалдирғоч» журналининг илк сони совға қилинди.

— Илгари «Гулхан», «Ғунча» сингари журналларни ўқиб борар эдик, — дейди Нукус шаҳридан келган ўқувчи Исломбек Ҳасанов. — Ҳам шеърлар машқ қиламан. «Қалдирғоч»нинг нашр этила бошлагани катта қувонч бағишлади. Эндиликда машқларимиз билан унда иштирок этишимиз мумкин.

Пайтдан фойдаланиб тарбиячи, Нукус шаҳри 6-мактаб ўқувчиси Нуржамол Алламурадоева сўхбатга тортди. — Қорақалпоғистондан 7 нафар тарбиячи келганми, — дейди у. — Бизни жуда яхши кутиб олишди. Айниқса, Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари болаларда катта таассурот қолдирди. Оромгоҳда ўтказилаётган «Она табиятни асраш вазирамиз», «Бола кулгусидан олам мунаввар», «Мен шу юртнинг фарзандиман» каби тадбирлар катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Тадбирни «Сўғдиёна» чолғу оркестри ижрочиларининг чиқиши да-

вом эттирди.

— Болалар учун тайёрланган дастурларимизда миллий чолғу асбобларимиздан фойдаланамиз, — дейди профессор, оркестрнинг бадий раҳбари ва дирижёри Феруза Абдурахимова. — «Ким мусиқа чилиши билади?», «Ким кўп мусиқа асбобларининг номи билади?», «Кайси композиторларни биласиз?» каби танловлар ўтказиб, голибларни тақдирлаб борамиз. Қорақалпоғистонлик солистимиз Рудаки Алимбоевнинг «Элим бар» кўшиғи, қорақалпоқ миллий чолғу асбоблари, шунингдек, композитор К. Заретдиновнинг «Қара жорға» ва бошқа кўплаб миллий ҳамда жаҳон мусиқа асарларини тайёрлаб келганми.

Хўжайли туманидаги 62-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Аббат Низомбетов гижжақда халқ куйи «Оқсунгул»ни ижро этиб, ҳатто тажрибали чолғучиларни ҳам ҳайратга солди.

— Туманимиздаги 4-мусиқа мактабиди гижжақ, роял ва чанг соғлаб буйича таълим оламан, — деди у. — Оромгоҳда мусиқа тўғрақларида машқларни давом эттираяман. Болалар ўртасида халқ чолғуларидан фойдаланиш буйича мусоабаклар ўтказилапти.

Байрам рақсларга, лапару айтишувларга уланиб вақт ўтгани ҳам билинмади. Машҳур шоир, дирижёр ва спортчилар билан учрашув таассуроти болалар ёдида узоқ муддат сақланадиган бўлди.

Улуғбек ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири, Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Шукҳди кунлар

Бу йил Сирдарё вилояти меҳнаткашларининг 3650 нафар фарзандини оромгоҳларда ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Вилоят ҳокимининг «2011 йилда болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларнинг моддий-техник базаси янада яхшиланди.

— Оромгоҳимизни таъмирлаш учун «Сирдарёпахтасаноат» бирлашмаси томонидан 76 миллион сўм маблағ сарфланди, — дейди биз билан сўхбатда Зомин туманидаги «Гулистон» болалар оромгоҳи раҳбари Қодир Холбоев. — Дам олиш масканига 35 миллион сўмлик матрас, ёстиқ ва чойшабар, 16 миллион сўмлик меҳнат жижжак олиб берилди. Барча хоналар, спорт майдончалари сифатли таъмирланди. Оромгоҳимизда ёзги дам олиш мавсумида уч босқичда 600 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради.

«Узавтодарётранс» агентлиги вилоят бўлими 2535-автомобилларига қарашли «Юбилей» оромгоҳи ҳам Зоминнинг Тогтерак қишлоғида жойлашган. Автожамланма томонидан оромгоҳда катта ҳажмда таъмирлаш ишлари бажарилди. Ётоқхона, ошхона спорт майдончалари соғланди. Болажонларнинг яхши ҳордиқ чиқариши учун етарли шарт-шароит яратилди. Айни кунда дам олиш масканида 200 нафар болажоннинг ҳар бири кун завқли, мароқли ўтмоқда. Ҳар кунги қизиқарли тадбирлар, спорт бешлашувлари ўтказилапти.

Сирдарё туманидаги «Меҳнат» болаларни ёзги соғломлаштириш мажмуасида «Сирдарё», «Бургутча», «Оқ олтин», «Турон» оромгоҳлари жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар бирида икки сменада 160 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради. Ёзги дам олиш мавсумида эса 640 нафар болажон «Меҳнат» ёзги соғломлаштириш мажмуаси кўйида дам олади. Уларнинг асосий қисми кам таъминланган оилалар фарзандларидир. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан оромгоҳларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилляпти. «Оқ олтин», «Бургутча», «Турон» оромгоҳлари янги меҳнат, компютер жиҳазлари билан таъминланди. «Оқ олтин» оромгоҳига ҳомий ташкилот — «Оқолтиндонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти томонидан 18 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Сайхунобод туманларда «Қишлоқхўжалиқим» филиали томонидан «Бургутча» оромгоҳи 25 миллион сўм маблағ билан таъминланди.

— Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари фаолияти ва фарзандларимизнинг кўнгилли билан олишини назорат қилиб боряпмиз, — дейди биз билан сўхбатда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Қаршибой Эшнараров. — Яқинда оромгоҳларга кўнгилочар тадбирлар ва мусиқалар ёзилган дисклар тўплами ва янги адабиётларни ҳада этдик.

Анорбой НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Ҳамма яхши нарсалар — фарзандларимизга

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ишчи-ҳодимларнинг 25810 нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда дам олдирилади. Ушбу мақсад учун уч миллиард беш юз миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланади.

Шаҳрисабз туманидаги «Беруний» оромгоҳи бугун болалар билан гавжум. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланадиган йилда оромгоҳ ўзгача кифоа касб этиб, янада кўркамлашган. Истиқлол йилларида эришилган ютуқларимиз, миллий қадрият ва аъёнларимиз акс этган кўргазмалар ташвиқот воситалари, баннер, плакатлар, давлат рамалари акс эттирилган паннолар билан безатилган.

— Болаларнинг ёзги таътили мароқли ўтказиши учун бу ерда барча шароит яратилган, — дейди оромгоҳ директори Лутфилло Каримов. — Бош ташкилотимиз «Ўзгеобурнефтгаз» акциядорлик компанияси ҳамда Ҳисоролди нефтгаз қидирув экспедициясининг яқиндан кўмаги ўз самарасини берди. Шу сабабли вилоят ҳокимлигининг мавсумолди яқини йиғилишида энг яхши оромгоҳ сифатида эътироф этилди ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг қимматбахо эсдалик совғаси билан тақдирланди. Бу йил оромгоҳимизда 2400 нафар бола дам олади. Бундан 150 нафари тизимга қарашли Қорақалпоғистон Республикасидаги ташкилотларда ишловчиларнинг фарзандларидир.

Оромгоҳда Ўзбекистон ХДП ви-

лоят кенгаши, ички ишлар бошқармаси ҳамда хотин-қизлар кўмитаси томонидан ҳамкорликда «Мустақил Ўзбекистоннинг хур фуқаролари келажакимизнинг таянчи» мавзусида тадбир ўтказилди. Баркамол авлод — келажак таянчи. Юртимизда ҳам етук, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга катта эътибор бериллаётганига тадбирда иштирок этиб яна бир қарра амин бўлдик.

Оромгоҳда дам олаётган болажонларга вилоят «Қўғирчоқ» театри жамоаси томонидан ўзбек халқ эртаги асосида саҳналаштирилган «Қўғирчоқлар куйлаганда» деб номланган эртақ шоу концертни намойиш этилди. Алижон Рўзиев, Муҳриддин Тўйлиев, Озод Абдуқолиқов, Шокир Олимшоев каби актёрларнинг чиқишлари ёш томошабинларда катта қизиқтириш уйғотди.

Театрлаштирилган концерт томошасида халқимизнинг қадимги ҳазил-мutoйибига бой кўшиқ ва рақслари кўғирчоқлар талқинида намойиш этилди. Айниқса, кўғирчоқлар воситасида ижро этилган «Чойнак ва пиёла», «Чол ва кампир», «Хоразмча лағзи» каби халқ рақслари болажонларга бир олам

кувонч бағишлади.

Вилоят Ёшлар маркази қошидаги «Истеъдод чорлови» шеърят клуби аъзолари — Қарши муҳандислик иқтисодий институти қошидаги «Нуристон» академик лицейи 3-босқич талабаси Санжар Эшмуродов ва Қарши шаҳридаги 23-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Азиза Олимваннинг Ватан, дўстлик ва табият ҳақидаги шеърлари иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

Оромгоҳ кутубхонасининг ҳам фаолияти таҳсинга сазовор. Бу ерда мингдан зиёд бадий асар, газета ва журналларнинг янги сонлари мавжуд.

Алишер Раҳмонов, вилоят ички ишлар бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими катта инспектори, майор:

— Вилоят ички ишлар бошқармаси ёшларимизнинг бундай вақтини тўғри ташкил этиш, уларни фойдаланиб ва қизиқарили машғулотлар билан банд қилиш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш буйича бир қанча ишларни амалга оширмақда. Оромгоҳда ташкил этилган бугунги тадбир ҳам шулар жумласидандир. Зеро, ёшларни билимли ва хунар-

ли қилиб тарбиялаш тараққиётимизнинг асосидир.

Малика Гуломова, Қарши Ахборот технологиялар коллежи компютер техникасини монтаж қилиш ва таъмирлаш бўлими 2-босқич ўқувчиси:

— Бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофотининг фан йўналиши буйича голиблигини қўлга киритдим. Бу менга катта масъулият юклатди. Ўз маҳоратини, сиёсий, ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини ошириш, шунингдек, рус ва инглиз тилини муккамал ўзлаштириш мақсадида тинимсиз изланмоқдаман. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Ахборот асри қизлари» кўрик-танловининг республика босқичи иштирокчиси, «Илм гулшанининг сара юлдузлари» танловининг вилоят босқичи голиби бўлдим.

Юртимизда иқтидор эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини тўла намойиш этишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Фақат ундан оқилона



фойдаланиш даркор. Оромгоҳда дам олаётган болажонларни ҳам ана шундай эзгу мақсад билан яшашга ундадим.

Севара Равшанова, Қарши шаҳридаги 34-мактабнинг 2-синф ўқувчиси:

— Бугун оромгоҳга бобожоним билан келиб, болаларга яратилган шароитларни кўриб қувониб кетдим. Мен расм чизишга қизиқаман. Бу ерда яхши манзаралар кўп экан. Иккинчи навбатда мен ҳам ҳордиқ чиқармоқчиман.

Музаффар ТУРОПОВ, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари

Нурота туманидаги 7-мактаб-интернат қошида «Шодлик» мактабдоли болалар оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда. Дастлабки навбатда 80 нафар бола ўн кун давомида дам олдирилди.

Мароқли дам

Харажатларнинг 27,5 фоизи ота-оналар, 22,5 фоизи касаба уюшмаси бюджетидан, 50 фоизи ҳомийлар ҳисобидан қопланди. Жумладан, «Умрқул», «Иzzат», «Тошназар бобо» фермер хўжалиқлари, «Ҳозон», «Нурота» ширкат хўжалиқлари кўмагини алоҳида тилга олиш мумкин.

Касаба уюшмаси ҳисобидан болаларга 120 минг сўмлик бадий адабиётлар, 150 минг сўмлик ДВД плеер совға қилинди. Шунингдек, тумандаги тарихий обидаларга саёхат уюштирилди.

Мароқли дам олдиришга бош-қош бўлгани учун ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари туман ҳокимлиги ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси бирлашмасидан миннатдор.

Т.ШЕРНАЕВ, «Ishonch» мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимизнинг олиб бораётган инсонпарварлик сиёсати, аёллар ва ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги, баркамоллиги йўлида амалга оширилаётган ишлар самараси ўлароқ туманимизда болалар, айниқса, чақалоқларнинг нобуд бўлиши, туғиш ёшдаги аёллар ўлими ҳамда ажралишлар кўрсаткичлари сезиларли даражада қамийди. Ёшлар, ота-оналарнинг оила ва никоҳ масалаларига муносабати ҳам ижобий томонга ўзгариб, оила барқарорлигини кафолатловчи қонун ҳамда нормалар ҳаётимизга сингиб борапти.

Никоҳ тўйлари кўпаймоқда

Туманимизда 8 та қишлоқ фуқаролар йиғини бўлиб, унинг ҳудудиди 17 миллат ва элат вакиллари бир оила аъзоларидек иноқ ҳаёт кечиримокда. Тимирязев қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудиди асосан қозоқ миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Қозоқ халқининг азалий урф-одатига кўра йиғит ўз севагин қизини тўйдан олдин олиб қочиб келиб, қонуний никоҳдан ўтмасдан, шаръий никоҳ билан яшай бошлайди. Бунда, табиийки, никоҳдан олдинги тиббий кўриқдан ҳам ўтилайди. Аҳоли ўртасида олиб борилган тушунтиришлар натижасида ўтган йилда шаръий никоҳ билан яшаётган 47 та, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 19 та ана шундай никоҳ қонуний рўйхатга олинди.

ФХДё бўлимида қошида никоҳланувчи ёшларни турмушга тайёрлашга йўналтирилган «Оила дорилфунун», «Ёш оила мактаби», «Соғлом авлод — юрт истиқбол», «Оила шаъни — муқаддас», «Оила — меҳр қўргони» деб номланган ёш оила мактаблари ташкил этилган. Балогат ёшидаги йиғит-қизлар ва никоҳланувчи шахслар бу ерда ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий, диний, тиббий саводхонлигини оширишга қолмай, оила-

да учрайдиган келишмовчилик, муаммоларни бартараф қилиш баробарида оила одоби, ахлоқий қадриятларни ўрганмоқдалар. Бундан ташқари, туманимиздаги 3 та касб-хунар коллежи талабалари, умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчилари билан ҳам тез-тез учрашув ва сўхбатлар ташкил этиляпти. Ана шундай машғулотларда ҳуқуқшунослар, тиббиёт хо-

димлари, психологлар бизларга яқиндан кўмаклашмоқда. Бугунги кунда туманимиздаги оилаларнинг 34 фоизини ёш оилалар ташкил этади. Улар никоҳнинг ихтиёрийлиги, тарафларнинг никоҳ ёшига етганлиги, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлардан холи эканлиги ҳамда шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтганликлари каби шартларга асосланган ҳолда қайд этилган.

Ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом оиланинг дунёга келиши юрт ва миллат тақдирига дахлдор масала. Шу боис оила жамиятининг бир бўлиги, таянчи сифатида қамол топиши учун ҳар биримиз масъулмиз. Дилфуза УММАТОВА, Жиззах вилояти Зафаробод туман ФХДё бўлими мудир



«Биз – бунёдкор халқимиз» танловига Дунё кезаётган ҳуштаклар

Сиз суратда кўриб турган ҳуштаксоз уста кулол Кубаро Бобоева Бухоро вилоятининг Вобкент туманида яшайди. 2002 йилни ҳали-ҳамон ҳаяжон билан ёдга олади. Айнан шу йили у «Шухрат» медали билан тақдирланганди.

— Шу ҳунарим орқали кўрмаган давлатим қолмади, — дейди опа. — 2006 йил Германияда 42 кун давомида «Ўзбекистон кунлари» бўлди. 500 донга ҳуштак олиб борганим, бирортаси қолмади. Францияда ҳам 6 кун бўлганман. Армоним қолмади, ҳисоб. Мен кулолчиларнинг 7-авлоди ҳисобланаман. Олти ёшимдан шу касб

билан шуғулланишни бошлаганман. 200 дан ортиқ шоғирдларим бор. Улар Германия, Италия, Ленинград, Москва шаҳарларида, қўшни Тожикистон каби давлатларда ишимни давом эттиришмоқда. Ҳуштакларни ўз томоркамдаги лойдан ясайман. Чунки ота-боболарим ҳам ана шу тупроқдан фойдаланишган. Ҳуштакнинг фойдали жи-

хатлари кўп. У ўпкани енгиллаштириб, ичдаги рутубатли хавони чиқариб юборади. Миядаги тикимларни очади. Бунинг устига ёқимли оҳанги билан болажонларни қўнғирладиган хусусияти ҳам бор. 08.06.11. 08:47 — Алло, асسالому алайкум, Кубаро она. Журналист қизингиз Назира безовта қилаёпти. Ёдингиздами, сиз билан «Асрлар садосида» танишгандик. Сиз ҳақингизда «Ishonch» газетасига мақола ёзгандим.

Айни дамда қандай янги ишлар қилаёсиз? — Эй, нимасини айтасиз, қизим. Ҳозир шу ёшгача қилмаган уйинчоқларни ясаётман. Орасида чиройли гуллар ҳам бор. Қўрсангиз, ҳайрон қоласиз. Ўз ишимга ўзимнинг завқим келиб ўтирибди. Биёр келсангиз, кўриб кетасиз. — Раҳмат, онажон. Бухорога йўлим тушса, албатта уйингизга кириб ўтаман. Назира БОЙМУРОВОВА. Муаллиф олган сурат

Кўрик-танлов

Марғилон шаҳридаги Маъмуржон Узоқов номи маданият ва истироҳат боғида анъанавий Аския ва қизиқчилар республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан юздан зиёд иштирокчилар иштирок этган кўрик-танловда аския, қизиқчилик, миниатюра бўйича дастурлар нуфузли ҳайрат аъзолари томонидан баҳоланди.

Аския ва қизиқчилик

Ижодий беллашуларда аския жанри бўйича Андижон вилояти биринчи ўринни, Қўқон шаҳри, Наманган вилояти Норин тумани иккинчи, Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани учинчи ўринни эгаллади. Қизиқчилик жанрида Навоий вилоятдан Шухрат Саидов, Хоразм вилоятдан Баҳром Саидмахмудов, Қобилбек Қўшназаров, Эллиққалъа туманидан Омон Эгамбердиев, Бухоро вилоятдан Шухрат Қодировларнинг ижро маҳорати кўпчиликлан манзур бўлди. Миниатюра жанри бўйича биринчи ўрин Марғилон шаҳри, иккинчи ўрин Жандор тумани, учинчи ўрин Тошкентнинг Учтепа тумани гуруҳларига насиб этди. Танловда Бухоро, Хоразм ва Сирдарё вилоятлари аскиячилик мактаби ёш истеъдодларининг фаоллиги кўзга ташланди. Ҳалилар махсус диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Фарғонада адабиёт байрами

Мустақил юртимизнинг шонли 20 йиллик шодийларини арафасида Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Анвар Обиджон, Иқбол Мирзо, Махмуд Тоир, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, адабиётшунос олимлар Умарали Норматов, Иброҳим Гафуров, ёзувчилар Улуғбек Хамдам, Дадаҳон Нурий Фарғонага таширф буюрди.

Меҳмонлар қарнай-сурнай сандоғи билан кутиб олинди. Юсуфжон қизик Шакаржонов номли вилоят мусикали драма ва комедия театрида ташкил этилган учрашувда Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими масъул котиби Энаҳон Сиддиқова ушбу таширф қалбларга байрам кайфиятини олиб кирганини таъкидлади. Халқимизнинг сеvimли фарзандлари вилоятнинг шаҳар ва туманларида фарғоналиклар билан санимий мулоқот дамларида ўзларига кўрсатилган чуқур иззат-иқром, ҳурмат ва эътибордан мамнун эканликларини изҳор қилишди. Улар томонидан ўқилган ижод намуналари адабиёт ихлосмандлари томонидан илқ кутиб олинди.

Таниқли санъаткорлар ва шаҳар маданият уйлари бадий жамоалари, ёш истеъдодлар овоз юрт, ватанпарварлар, дўстлик, одамийлик ва муҳаббат, истиқлоли тараннум этувчи куй ва қўшиқлар билан даврага файз киритишди.

Муҳаммаджон МАХМУДОВ

«Ҳамшира – 2011» Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан Бухоро вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг ҳамширалар кенгаши томонидан «Сен улугсан, ягонасан, мустақил Ватан!» шиори остида турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Муяссар финалда қатнашади

Жумладан, яқинда «Ҳамшира — 2011» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда дастлабки синовлардан муваффақиятли ўтган 14 нафар ҳамшира ғолиблик учун кураш олиб борди.

Танлов шартларига кўра ҳар бир ҳамшира ўзи яшаётган жойи, фаолият олиб бораётган тиббиёт муассасаси, ислохотлар жараёни ҳақида билимлари билан ўртоқлашиб, бадий чиқишларда маҳоратини намоён этди. Амалиёт босқичида эса ҳамшира қизлар Республика шашинчи тиббиёт ёрдам илмий марказининг вилоят филиалида тўғридан-тўғри мурожаат қилиб келган беморларни қабул қилиб, тез тиббий ёрдам кўрсатди.

Яқиний босқич шартлари вилоят мусикали драма театрида ўтказилди. Зукколиги, чақонлиги ва билимдонлиги билан ҳамкасбларидан ўзган Бухоро шаҳридаги 9-поликлиника ҳамшираси Муяссар Қурбонова энг кўп балл тўплаган.

биринчи ўринни эгаллади. У Андижон шаҳрида ўтказилган «Ҳамшира — 2011» кўрик-танловининг республика финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг ҳамшираси Гулсун Раҳимова ва Когон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамшираси Гавҳар Раҳматуллаева иккинчи ҳамда учинчи ўрин соҳибалари бўлишди. Совриндор ва иштирокчилар Ўзбекистон ҳамширалар ассоциацияси Бухоро вилоят бўлими ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгашининг қимматбахо совға ҳамда фазрий ёрликлари билан тақдирланди.

Маъмураҳон САФОЕВА, Бухоро вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг ҳамширалар иши бош мутахассиси, вилоят ҳамширалар кенгаши раиси



Бухоро давлат университетини бу йил бакалаврият ва магистратура йўналиши бўйича 2 минг 247 нафар йигит-қиз битирди. Айни пайтда уларнинг ишга жойлаштириши, ўз илмий салоҳиятини намоён этиши учун ҳар томонлама қўмақлашиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Битирувчилар бандлиги – эътиборда

Университетда вилоятдаги корхона ва ташкилотларнинг, муассасаларнинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш асосида аниқ маълумотлар банкни шакллантириш ҳамда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш борасида ибратли тажриба тўплаган. Жорий йилда давлат гранти асосида ўқинган бакалаврият ва магистратура битирувчиларининг барчаси ўз мутахассислиги бўйича тўлиқ меҳнат фаолиятини бошлаш имкониятига эга бўлди. Шартнома-тўлов асосида тахсил олган битирувчи талабаларга вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, қишлоқ ва сув ҳўжаллиги, иқтисодийёт бошқармалари ҳамда бошқа йирик ташкилот ва корхоналарда бўш иш ўринлари тақлиф этилди.


Суратда: университет битирувчилари — Фарангиз Қаландарова, Фаррух Жумаев, Зубайда Раҳмонова ҳамда Шоҳиста Рустамова. Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат

Репортаж

Дунёда бола кулгусидек беғуборлики топиш мушкул. Улуғ маърифатпарварлардан бири «Дунёни болаларга ҳеч бўлмаса бир кунга беринг. Шунда улар бутун оламни эзгуликка тўлдиришди» деганда шуни назарда тутган бўлса, ажабмас.



Болаларга беринг дунёни



Яқинда пойтахтимизнинг Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги истироҳат боғида Агроевнинг мажмуи ҳодимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаган болалар ва катталар ўртасида ўтказилган спорт

мусобақалари ва халқ сайли фикримизни тўла тасдиқлади. ...Боғни болақайларнинг шодон қийқириги тутган. Бир томонда «Кувнок» стартлар мусобақаси қизгин тусга кирган бўлса, бир томонда шашка бўйича баҳс давом этмоқда. Катталар ҳам қараб туришгани йўқ. Улар дартседа мўлжални аниқроқ уриш, арқон тортишда қайси жамоа кучли эканини аниқлаш билан банд. «Кувнок стартлар» беллашувида қатнашаётган болалар ёнига борамиз. — Исмиим Жаҳоҳир, — дея ўзини таништиради иштирокчилардан бири. — 195-мактабда ўқийман. Ҳар куни уйимиз атрофида ўйнаймиз. Лекин бугун янги дўстлар орттирдик. Улар билан маза қилиб мусобақалашаямиз. У шу гапни айтиди-ю, ўртоқлари ёнига чопқиллаб жўнайди. Ортидан онаси, секинроқ югур, йиқилиб тушмагин тагин, деганча қолади. — Бугун болаларимиз жудаям хурсанд. Уларнинг қувончини ўзингиз ҳам кўриб турибсиз, — дейди Жаҳоҳирнинг онаси Шаҳзода Тўйчиева. — Бундай тадбирлар одамлар ўртасида аҳилликни мустаҳкамлайди, болаларга эса олам-олам таассурот улашади. Айниқса, унинг таътил пайтида ўтказилиши янада фойдали.

Тадбир ташкилотчиларига юзланамиз. — Юртимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Биз ҳам шу хайрли ишларни давом эттирган ҳолда, ўн беш йилдан бери мана шундай тадбирларни ўтказиб келаямиз, — дейди Агроевнинг мажмуи ҳодимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ноила Умарова. — Бугунги байрамда тизимдаги 50 дан ортиқ корхона ишчи-ҳодимлари фарзандлари билан бирга иштирок этишмоқда. Уларга аттракционларда учиб учун бепул чипталар тарқатилди. Бу тадбирда фақат болалар эмас, катталар ҳам мазмунли хордиқ чиқарадилар, деб ўйлайман. — Тўғриси, катталар ўртасида ўтадиган мусобақаларда камроқ қарчайимиз. Болаларни бошқариш, улар билан тил топиши бироз мушкул. Лекин уларнинг кўзидаги қувончини кўриб, барча қарчоғимиз бир зумда унутилади, — дейди кенгаш етакчи мутахассиси Олим Хусенов. Мусобақа ғолиблари аниқлангандан сўнг, боғ марказида жойлашган саҳна томон йўл оламиз. Болалар ўзлари тайёрлаб келган шеър ва қўшиқларини ижро этиб, саҳна кўринишларини намойиш қилишди. Томошабинлар орасида бурунчаларига музқаймоқ теккан, бувисига тинмай савол бераётган қизалоққа кўзимиз тушди. — Бу набирам, — Даша. Ёш бешда. Бугунги байрамда қатнашиб, жуда хурсанд бўлдим. Юртимиздаги тинчликка ва халқлар ўртасидаги тотувликка бутун дунё ҳавас қилса арзийди, — дейди тадбир иштирокчиси Людмила опа. — Бундай сайилларда одам ҳам ўз соғлигини мустаҳкамлайди, ҳам болалари, набиралари билан бирга қувнайди. Шундан кейин мусобақа ғолибларига совғалар тақдим этилди. Тадбир қуй-қўшиқларга уланиб кетди.

А. АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири. Игор ТЕҲ олган суратлар

Футбол

Ҳали имконият бор

Авал хабар бериб ўтганимиздек, Мексикада старт олган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг 1-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Нуфузли мусобақада илк бор иштирок этаётган юртимиз ёшлари Янги Зеландия билан бўлиб ўтган илк беллашувида афсуски йирик ҳисобда мағлубиятга учради. Уйини ҳужумкор руҳда бошлаган терма жамоамиз вакиллари ҳимомиздаги кўпол хатолар туфайли рақиб

ярим ҳимоячиси Стефан Кармичелдан 10-, 35-, 54-дақиқаларда учта гол қабул қилишди. Бу ҳам етмагандай 88-дақиқада Жордан Вейл тўртинчи голини киритишга муваффақ бўлди. Жамоамиз Тимур Ҳакимовнинг 39-дақиқада киритган голи билан жавоб бера олинди, холос.



Келгуси йили Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпиада уйинларига йўланмани қўлга киритиш учун 1-босқич учрашувлари доирасида майдонга чиққан Ўзбекистон олимпия терма жамоаси пойтахтимизда жойлашган «ЖАР» стадионида Гонгконг термасини қабул қилди ва 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Голга Фозил Мусаев (59-дақиқа) муаллифлик қилди. Бундан ташқари, меҳмонлардан Лау Ним Ят (69-дақиқа) ва вакилларимиздан Кенжа Тўраев (90+2) майдондан четлаштирилди. Кейинги босқичга чиқиш масаласи 23 июн куни Гонгконгда ўтказиладиган жавоб учрашувида ҳал бўлади.



Гуруҳда Янги Зеландия пешқадамлик қилмоқда. АҚШ ёшлар терма жамоаси Чехия устидан қозонилган 3:0 ҳисобидаги ғалаба эвазига 2-ўринни банд этган. Гуруҳнинг навбатдаги тур учрашувлари 23 июн куни ўтказилди. Вакилларимиз АҚШ жамоасига қарши майдонга тушади.

Ўз мухбиримиз

Утганларнинг охирати обод бўлсин

Наманган вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ҳодимлари касабаси уюшмаси Наманган вилоят кенгаши раиси Иброҳим Абдураҳмоновга фарзанди ҲУЛОМЖОНнинг бевақт вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Publication information including contact details for Ishonch newspaper, subscription rates, and office address in Tashkent.